ЁШ РАҲБАР ХОДИМЛАРДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Садриддин Шаропов
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси
“Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси
мустақил изланувчиси
email: sharopovsadriddin3@gmail.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.24126650

Аннотация: Мазкур мақола ёш раҳбар ходимларда ижтимоий компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш орқали уларнинг бошқарув самарадорлигини ошириш масаласига бағишланган. Замонавий ташкилотларда муваффақиятли раҳбарлик фақат мутахассислик билимларига эмас, балки ижтимоий компетенцияларга — яъни мулоқот қилиш қобилияти, жамоада ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш, инсонлар билан муносабатни бошқара олиш каби кўникмаларга ҳам боғлиқдир. Мақолада ёш раҳбарларда мазкур кўникмаларнинг ривожланиши, уларнинг ташкилотдаги таъсирчанлиги ва самарадорлигига қандай таъсир қилиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Компетенция, раҳбар, салоҳият, билим, қобилият, ирода, профессионаллик, етуклик, тизим, инновацион компетентлик, шахсий қобилият, лидерлик.

“Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади”.

Шавкат Мирзиёев

Бугунги кунда жамиятдаги тезкор ўзгаришлар, рақобатбардошликнинг ортиши ва янги авлоднинг бошқарув тизимига кириб келиши, раҳбарларда нафақат профессионал билимлар, балки ижтимоий компетенция муҳим ўрин тутаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, ёш раҳбарлар учун ижтимоий компетенция аҳамияти самарали мулоқот қилиш, жамоа билан ишлаш, инсонларни руҳлантириш ва ижобий муҳит яратиш қобилияти муваффақият калити ҳисобланади.

Ижтимоий компетенция мукаммал шахс ривожидаги бош омили бўлиб бугунги глобаллашган, тезкор ўзгариб бораётган жамиятда шахснинг муваффақияти фақатгина академик билимлар билан эмас, балки ижтимоий компетенция билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий компетенция — бу инсоннинг жамиятда самарали ва маданиятли тарзда мулоқот қилиш, ҳамкорликда ишлаш, турли муносабатлар ва вазиятларда ўзини тўғри тута олиш қобилиятидир. У шахснинг ижтимоий муҳитда муваффақиятли фаолият юритиши учун асосий пойдевор ҳисобланади.

Ижтимоий компетенция (инглизча – *social competence*) — шахснинг бошқа одамлар билан ижобий муносабат ўрната олиши, муаммоларни тинч йўл билан ҳал қила олиши, ҳамдардлик, тинглаш, мулоқот қилиш ва жамоавий ишларда фаол иштирок этиш қобилиятидир. Албатта "компетенция" сўзи турли соҳаларда ишлатилади ва бир нечта маъноларга эга бўлиши мумкин. Уни асосан қуйидаги маъноларда тушуниш мумкин:

1. Компетенция — мутахассиснинг билим ва кўникмалар мажмуаси бу маънода компетенция шахснинг маълум бир вазифани ёки ишни самарали бажариши учун зарур бўлган:

- билим (назарий маълумотлар);

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

- кўникма (амалий малакалар);
- қобилият (шу билим ва кўникмаларни тўғри қўллаш);
- шахсий сифатлар (масъулият, ташаббускорлик ва ҳ.к.) мажмуасини англатади.

2. Компетенция — ваколат доираси бу маънода компетенция муайян шахс ёки ташкилотнинг ўз ваколатлари доирасида қарор қабул қилиш ҳуқуқини билдиради.

3. Компетенция қуйидаги турларга бўлинади:
- касбий (профессионал) - мутахассиснинг ўз касби бўйича билим ва кўникмалари;
- шахсий - коммуникация, етакчилик, эмоционал интеллект ва ҳ.к;
- тармоқли - аниқ бир соҳага оид махсус билимлар;
- умумий - ҳамма соҳаларда керак бўладиган базавий кўникмалар (масалан, компьютер саводхонлиги)

4. Компетенция — қобилиятлар мажмуаси булса, компетентлик — айни пайтда айнан шу қобилиятларга эга бўлиш ҳолати.

Бу тушунча бир нечта асосий компонентларни ўз ичига олади:

1. Мулоқот қобилияти – турли вазиятларда тўғри ва самарали сўзлаш, тинглаш ва тушуниш.
2. Эмпатия (ҳамдардлик**)** – бошқаларнинг ҳис-туйғуларини ҳис этиш ва уларга мувофиқ муносабат билдириш.
3. Муваффақиятли ҳамкорлик – жамоада ишлай олиш, бошқалар билан келишувга эриша олиш.
4. Қарор қабул қилиш – ижтимоий вазиятларда ечим топа билиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш.
5. Ўз-ўзини бошқариш – ҳиссиётлар ва хулқ-атворни назорат қила олиш.

Ижтимоий компетенция — шахснинг жамиятда тўғри ва самарали фаолият олиб бориш қобилияти, ижтимоий муносабатларда мувофиқлашуви, жамоа билан ишлаш, коммуникацияга киришиш ва ижтимоий нормаларга мос ҳаракат қилиш салоҳиятини ифода этади. Бу тушунча социология, психология, педагогика, менежмент ва инсон ресурслари каби бир қатор фан соҳаларида ўрганилади.

Ижтимоий компетенция тушунчаси педагогика ва психология соҳаларида шаклланиб бошлаган бўлсада, кейинчалик социологик қарашлар билан бойитилди. Педагогикада бу атама кўпроқ таълим жараёнида ўқувчининг ижтимоий муҳитда ўзини тутуш қобилиятини англатса, психологияда шахслараро муносабатларда муваффақиятга эришиш салоҳияти сифатида қаралади.

Социологияда эса ижтимоий компетенция нафақат индивидуал қобилият сифатида, балки **инсоннинг ижтимоий институтлар, гуруҳлар ва жамоаларда фаол ва масъулиятли иштирок этиш қобилияти** сифатида талқин қилинади. Яъни, ижтимоий компетенция шахснинг жамиятда ўз ўрнини аниқлаш, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш, ижтимоий қоидаларга риоя қилиш, ҳамда жамоа манфаатларини тушуниш ва ҳурмат қилиш қобилиятидир.

Ижтимоий компетенцияларнинг шаклланишига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Улар шартли равишда ички (индивидуал) ва ташқи (ижтимоий) омилларга бўлинади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Оила ва тарбия муҳити — шахснинг биринчи ижтимоийлашув институти. Унда инсон ўзининг илк ижтимоий муносабатларини ўрганади. Ота-она билан муносабатлар, фарзандга берилаётган ахлоқий қадриятлар, меҳр ва назорат даражаси ижтимоий компетенцияларнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.
2. Таълим муассасалари – мактаб ва олий таълим муассасалари шахснинг ижтимоий билимлари, кўникмалари ва хулқ-атворига таъсир қилади. Таълим тизимида фақат билим бериш эмас, балки фуқаролик фаоллигини, жамоада ишлашни, танқидий фикрлашни ривожлантириш вазифаси ҳам бор.
3. Жамоат ташкилотлари ва фаолият – Ёшлар иттифоқи, ННТлар, маҳалла, фуқаролик жамияти институтлари фуқароларни ижтимоий фаолликка ундайди. Уларда иштирок этиш ижтимоий

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

компетенцияларни амалда шакллантиради.

4. Оммавий ахборот воситалари ва интернет – ахборотлар манбаи сифатида Интернет ва ОАВ инсоннинг дунёқараши, ижтимоий муносабатларга бўлган муносабатини шакллантиради. Ижтимоий тармоқларда фаол қатнашиш, ахборотни саралаш, мулоқот қилиш қобилиятлари замонавий ижтимоий компетенцияларнинг муҳим қисмига айланган.

5. Маданият ва урф-одатлар – миллий ва маҳаллий қадриятлар, маданий муҳит ҳам инсоннинг ижтимоий компетенцияларига таъсир кўрсатади. Жамиятдаги умумқабул қилинган қоидалар, маданий нормаларга мослашиш салоҳияти — ижтимоий интеграция даражасини белгилайди.

Ижтимоий компетенция нима учун муҳим сабаби ижтимоий компетенция нафақат шахсий ҳаёт, балки касбий соҳада ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Қуйида унинг аҳамиятига бир неча мисоллар келтирамиз:

Жамоада ишлаш: Ҳар қандай муваффақиятли ташкилот — бу самарали жамоа. Жамоада ишлаш учун эса тўғри мулоқот, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик зарур.

Муносабатлар қуриш: Инсон ижтимоий мавжудот. Муваффақиятли дўстлик, оилавий ва меҳнат муносабатлари ижтимоий компетенцияга боғлиқ.

Низоларни ҳал қилиш: Тўғри ёндошув ва мулоқот орқали кўпгина низолар тинч йўл билан ҳал қилиниши мумкин.

Эмоционал интеллект: Ижтимоий компетенция эмоционал интеллектнинг бир қисми бўлиб, инсоннинг ҳиссий соғломлигини таъминлайди.

Ижтимоий компетенцияни ривожлантириш учун қуйидагилар талаб этилади:

1. Тинглашни ўрганиш – бошқаларни диққат билан тинглаш инсонга ҳурмат ва ишонч уйғотади.
2. Мулоқот машқлари – ролли ўйинлар, дебатлар ва жамоавий машғулотлар орқали мулоқот маҳоратларини ошириш мумкин.
3. Фикр алмашиш – жамоада фикр билдириш ва бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.
4. Фикрни тўғри ифода этиш – танқидни маданиятли етказиш ва қабул қилишни ўрганиш.
5. Ўз ҳиссиётларини англаш – ўз ҳис-туйғуларини англаш ва бошқариш орқали бошқаларни ҳам яхшироқ тушуниш мумкин.

Хулоса

Хулоса киладиган булсак ижтимоий компетенция — бу замонавий дунёда ҳар бир инсонда бўлиши лозим бўлган ҳаётий кўникма. У нафақат шахсий муносабатларда, балки ишда, таълимда ва кенг жамиятда ҳам муваффақият калитидир. Шу сабабли, болаликданоқ ижтимоий компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш орқали соғлом, масъулиятли ва етук шахслар вояга етиши таъминланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Қ.Н. **Ишчи кучини бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш**. – Т.: Иқтисод-Молия, 2019.
2. Бекназаров Д.Ж. **Ижтимоий психология асослари**. – Тошкент, 2020.
3. Юлдошев И. **Кадрлар салоҳиятини оширишда раҳбарлик компетенцияларининг аҳамияти** // Иқтисод ва таълим, 2021, №3.
4. Goleman, D. **Emotional Intelligence: Why It Can Matter More Than IQ**. – Bantam Books, 1995.
5. Boyatzis, R.E. **The Competent Manager: A Model for Effective Performance**. – Wiley, 1982.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

6. Комилов Ш.Ш. **Ёш кадрларни раҳбарлик фаолиятига тайёрлашда инновацион ёндашувлар** // Ёш олимлар учун илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2022.
7. 7. Саттарова Д.Д. **Ижтимоий компетентлик тушунчаси ва уни шакллантириш усуллари** // Педагогика фанлари журнали, 2021, №4.
8. 8. Касымова М. **Ёш мутахассисларда ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришнинг психолого-педагогик асослари**. – Тошкент, 2021.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.